АВГУСТ—ҲОСИЛ ТАҚДИРИНИ ҲАЛ ҚИЛАДИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

10 август 1972 йил, пайшанба ◆ № 186 (15.357). ◆ Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўтган куни КПСС Марказий Комитетида кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда ҳосил ўрим-йиғимининг бориши ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳарид қилиш, ерларни мелиорациялаш ишларини кучайтириш ҳамда омухта ем саноатини ривожлантириш , масалалари кўриб чиқилди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва Сиёсий бюро аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР ва РСФСР министрлари, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети аппаратининг ходимлари, марказий газеталарнинг редакторлари қатнашдилар. Кенгашда мазкур масалаларни ҳал этиш вазифалари тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

ХУШ ХАБАРЛАР

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ЯНГИ ҚУВВАТЛАР

«Бекабадметаллургстрой» қурилиш трести бунёдкорлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар Бекобод нороуда материаллари ишлаб чиқариш карьерида йирик қувватларни қуриб фойдаланишга топширишди. Меҳнатсевар қурувчилар қум-шағал ишлаб чиқариш қувватини ҳамда тош майдалаш ва саралаш заводини белгиланганидан анча барвақт қўлдан чиқаришди. Бу янги қувватлар шарофати билан йилига қурилиш объектларига 702 минг кубметр чақиртош ҳамда 148 минг кубметр қум-шағал жўнатиб турилади.

М. СУЛТОНОВ,
иқтисодчи-инженер.

КАНАЛ ИШГА ТУШДИ

Қашқадарё областида сув таъминотига бирлашиш бериш мақсадида Қамаши районидаги Нисёзий канали қурилиб, ишга туширилди. Сув иншоотлари бунёдкорлари канал трассаси қурилишида 200 минг куб метрдан зиёд тупроқ ва 4,5 минг куб метр бетон ишларини амалга оширишди. Каналнинг узунлиги 12 километр бўлиб, ундан райондаги «Партия XXII съезди», Ленин номли колхозларнинг бепоён экинзорларига оби-ҳаёт оқиб туради.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПЕШҚАДАМ УЧАСТКА

Андижон сув иншоотлари қурилиш трестининг 2- қурилиш-монтаж бошқармасига қарашли 1- участка азамат бунёдкорлари СССРнинг 50 йиллик олтин тўйи шарафига социалистик мусобақани қизитиб, етти ойлик қурилиш-монтаж топшириғини ошириб бажардилар. Пландан ташқари бир неча юз минг сўмлик иш бажарилди. Б. Сеидосмонов, А. Саматов, Ғ. Эшонов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригада қурувчилари бу ғалабани қўлга киритишда муносиб ҳисса қўшишди.

С. МУИДИНОВ,
«Андижанводстрой» трести 2- қурилиш-монтаж бошқармасининг ишчиси.

МУСОБАҚАДОШЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР, ҚИММАТЛИ МУЛОҲАЗАЛАР

Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон қишлоқ хўжалиги ходимларининг ўзаро текшириш бригадалари Ўзбекистон колхоз ва совхозларида ғўзанинг аҳволи ва экинни парвариш қилиш қандай ташкил этилганлиги билан танишиб чиқмоқдалар. «Оқ олтин» етиштириш мирзашкорлари, механизаторлар билан дўстона вазиятда амалий учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Меҳмонлар тажрибаларини ўртоқлашиб, маслаҳатлар беришмоқда. Мўл ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой бўлган августда ҳар бир туп ғўзада кўпроқ салмоқли кўсак тўплаш имконини берадиган резервларни қидириб топиш ва ишга туширишда маслаҳат бермоқдалар.

◆ ФАРҒОНА: Тожикистонлик меҳмонларни Ленинград районидаги Энгельс номли, «Социализм», «Ленинобод», «Комсомол» колхозларининг ғўзаси қувонтирди. Деҳқонлар гармсел, қум аралаш бўрон бўлиши ва сув камчиллигига қарамай, ўсимликнинг ривожланиши учун нормал шароит ярата олганлар. Ҳар бир туп ғўзада 7-8 тадан кўсак бор. Текширувчилар механизаторларга чеканкани тезроқ тамомлаш, ғўзани тунда суғоришни маслаҳат бердилар.

◆ НАМАНГАН: Ғўзанинг авжи яхши! Тожикистон вакиллари Уйчи районидаги «Ленин йўли», Ленин номли, Жданов номли колхоз далаларини кўздан кечиргач, шундай хулоса чиқаришди. Бу ерда далалар бегона ўтлардан тозаланган, ер юмшоқ, нам етарли, ҳар бир ғўзада эса 10-12 тадан кўсак саналиб мумкин.

Уйчи районидаги Свердлов номли, Энгельс номли, «Октябрь 40 йиллиги» колхозларининг далаларини кўздан кечирган мусобақадош ўртоқлар камчиликларни аниқладилар — айрим жойларда ғўза қўллатиб суғорилмоқда, айрим жойларда эса чанқатиб қўйилмоқда. Текширувчилар ғўзани суғоришда қатъий режим ўрнатишни маслаҳат бердилар.

◆ ТУЙТЕПА, (Тошкент области): Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхозда Озарбайжондан келган ўзаро текшириш бригадасининг диққат-эътиборини ғўзани парвариш қилаётган механизаторларнинг моҳирлик билан ишлаётгани жалб этди. Серкўсак ғўзаларнинг авжи яхши. Агрегатлар экинни зоҳа қилмасдан культивация қилиш имконини берадиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Механизаторлар агрегатни юргизишар экан, бир қанча ишни бир маҳалда бажарадилар — қатор ораларини юмшатиб ҳам кетадилар, ўғит ҳам соладилар, эгат ҳам оладилар. Хўжаликда дала ишларининг сифатини колхоз оқсоқоллари назорат қилиб турадилар. (ЎзТАГ).

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

*** Август—ҳосилга ҳосил қўшиш, кам ҳосилли ғўзаларни серҳосил ғўзалар даражасига етказиш даври. Шу ойда 4 миллион 500 минг тонналик пахта хирмонига мустаҳкам замин яратайлик. Бутун куч ва техника воситаларини ғўза парваришига сафарбар этинг.**

**** Ғўзаларни маҳаллий ўғитлар—гўнг, қўй қийи, эски иморат ва пахса деворларнинг тупроғи билан озиқлантиришни қизғин давом эттирайлик. Ҳосил тўплаётган ғўза ниҳолларини «шарбат»га қондирайлик.***

*** Қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг тарқалишига йўл қўйманг, борини эса қириб ташланг.**

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Сариосиё районидаги «Коммунизм» колхозининг деҳқонлари СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллик байрами шарафига оширилган мажбурият олиб меҳнат қилмоқдалар. Колхоз пахтакорлари 3600 гектар майдонда ғўза ўстириб давлатга пландаги 13 минг тонна ўрнига 16 минг тонна «оқ олтин» сотишга қарор қилганлар. Ҳозир далаларда 67 чопиқ трактори сифатли культивация ўтказмоқда. 270 сувчи ғўзаларга оби-ҳаёт тарамоқда. Суратда: колхознинг иғгор бригада бошлиғи (чапдан) Нурмат Бобониёзов ва участка агрономи Фаттох Муҳамадиев ғўзаларнинг ривожини кўздан кечирмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

МЕХАНИЗАТОРЛАР МУСОБАҚАСИ

КАСБИМИЗНИ ШАРАФЛАЙМИЗ

Касбим — механизатор, турсунойчи бўлиш мақсадида шу касбни танладим. Узоқ йиллардан буён шуни орзу қилардим. Ҳозир шундай замонда яшаяпмизки, инсон меҳнат билан ҳар қандай орзусига эришуви мумкин. Давлатимиз бунинг учун ҳамма имкониятларни яратиб берди. Менинг изимимда ғўзаларни парваришлаш учун универсал трактори, деҳқон меҳнатини енгилластиришга кўмаклашувчи пахта териш машинаси бор. Бошқа хил техника воситаларини бошқариш ҳам қўлимдан келади. Партиямиз биз, механизаторларни қишлоқда марказий фигура деб атади. Бундай ҳурматга моддий бойликлар яратишни кўпайтириш билан жавоб қайтариш бурчимиздир.

Механизаторлар пахта етиштиришни кўпайтириш, теримни комплекс механизациялашда қарвонбошидир. Деҳқончилик қилиниадиган ерлар йил сайин кенгайтирилиятти, ҳосилдорликни муттасил ошириб бориш керак. Давлат деҳқонлардан юқори сорт, таннархи арзон пахта кутяпти. Хўжаликларнинг экономикасини мустаҳкамлаш, халқимизнинг турмушини янада фаровон қилиш керак. Буларнинг ҳаммаси машиналарга таянилган чоғдагина тез ва осон ҳал қилинади. Бир механизаторнинг терим фаслида ўртача 350-400 теримчининг ишини бажариши машиналар нечоғли катта куч эканлигини кўрсатувчи далилдир.

Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрликлари туфайли кейинги йилларда қишлоқ хўжалик ишларини, пахтачилик ва хусусан теримни комплекс механизациялашда катта муваффақиятларга эришилди. Буни бизнинг колхозимиз мисолида ҳам кўриш бўлади. Бундан ўн йиллар чамаси олдин кўп меҳнат ва маблағ сарфланиб етиштирилган пахтанинг ҳаммаси қўлда терилар эди. Натижада ҳосилнинг бир қисми нобуд бўларди, терим чўзилиб кетиб, сифатга ҳалал етарди. Энди ҳар бир бригадада терим машинаси ҳукмрон. 1971 йилнинг ўзидагина пахтани машиналарда териш кенг йўлга қўйилиши орқасида 248 минг сўм иқтисодий фойда кўрдик. Ҳар центнер пахтанинг таннархи бир йилда 6 сўм арзонлаштирилди.

Колхозимизнинг пахта майдони 1290 гектар. Ҳар гектар ердан 35 центнердан «оқ олтин» хирмони кутариш ниятимиз бор. Етиштирилган ҳосилнинг 75 процентини машиналарда териш мажбуриятини олганмиз. Шуни айтиш керакки, айрим нуқсонларни мустасно қилганда ишимиз яхши. Ғўзаларимиз соғлом ва бақувват, қишлоқ хўжалик зараркунандалари зоҳарлаган жой йўқ. Ҳозир ҳар туп ғўзада 5-6 та бўлиқ кўсак саналиб мумкин.

Механизаторларимиз июль ойида катта ишларни бажардилар. Ҳамма майдонларда тўрт марта комплекс парвариш ўтказдилар, вақтида культивация қилиб, тупроқ қатламида намни тўла саклаб қолдилар. Айни кезда сув тарашга эгат олиб бердилар, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши профилактик чоралар ўтказдилар. Бироқ август ойида ишни янада кучайтиришлари, ҳамма ерларда камида икки марта, ғўзасининг авжи паст жойларда уч марта комплекс парвариш ўтказишлари керак. Шундагина пахтадан юқори ҳосил етиштиришга эришилади. Биз ҳамкасб дўстларимиз билан маслаҳатлашиб, колхозимиз бўйича ғўза парваришини пахта терими бошланғунча давом эттиришга қарор бердик. Шу йўл билан ҳамма ғўзаларни серҳосил қилиб оламиз. Август ойида ҳар биримиз камида 180-200 гектар майдондаги ғўзаларни меҳр билан парваришлаш мажбуриятини олдик. Сентябрь ойининг дастлабки ўн кунлигида ҳам парваришни қизғин давом эттирамиз.

Бригадамиз аъзолари 67 гектар майдонда ғўза ўстиряпти. План бўйича ҳар гектар ердан салкам 30 центнердан ҳосил етиштиришимиз керак. Биз СССР ташкил этилганининг 50 йиллик тўйини муносиб меҳнат совғаси билан кутиб олишга аҳд қилдик. Гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарамиз. Бу тўйга тўёнамиз бўлади. Шуниси характерлики, етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини қўл кучи ишлатмасдан машиналарда териб оламиз. Бу билан механизаторлик номини яна бир карра шарафлаймиз.

Яқинда дала шийпонига тўпланиб июль ойида қилинган ишларга якун ясадик, август ойида қилинадиган ишларни келишиб олдик. Бригадамизнинг ҳар бир аъзосига конкрет топшириқ белгиланди. Масалан, мен 67 гектар майдонда камида уч марта культивация ўтказаман, сувчиларнинг сув тараши учун эгат олиб бераман. Ҳамид ака Қосимов, Бегали ака Эралиев, Анорбой ака Тўйчиевлар ғўзаларни қондириб суғорадилар, «шарбат» оқизадилар. Бригадамизнинг бошқа аъзолари бегона ўтларнинг пайдо бўлишига қарши чоралар кўрадилар. Хулласи, ҳаммамизнинг фикр-зикримиз битта — ҳар туп ғўзада иложи борича кўпроқ шона, гуллар тўплаш, уларни тезроқ кўсакка айлантириб, очилтириб олишдир.

Ҳозир механизаторларнинг иши анча мураккаблашиб қолди. Ғўзаларнинг бўйи ўсиб, ҳосил шохлари бир-бирига кириб кетди. Бундай кезда универсалнинг иш органларига албатта тўсиқлар ўрнатилиши шарт. Акс ҳолда шохларни синдириб, ҳосил нишоналарини тўкиб юборишимиз мумкин. Бизда ҳамма универсалчилар ишни шундай ташкил қилдилар.

Механизаторларимиз пахтадан юқори ҳосил етиштириш учун фидоийлик кўрсатяптилар. Бу яхши, албатта. Лекин пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишларини тезроқ тугаллашни унутмаслигимиз керак. Бунинг учун «зангори кема»ларимиз мавсумга шай бўлмоғи керак. Мен машинамни ремонтдан чиқариб, синовдан ўтказиб қўйдим. Бошқа механизаторларимиз ҳам шундай қилдилар.

Хўжалигимиздаги 28 терим машинаси мавсумга шайлаб қўйилди. Яқин кунларда яна учта «Ўзбекистон» маркали терим машинаси ҳарид қилинади. Мен бутун куч-ғайратимни ишга солиб, мавсумда 250 тонна пахта териш ҳақидаги мажбуриятимни шараф билан бажараман.

Юлдузхон ТУХТАБОЕВА,
Учқўрғон районидаги «Янги-обод» колхозининг механизатори.

ХОРАЗМ МЕВАЛАРИ

ХОРАЗМ БОҒБОНЛАРИ ИККИ ЙИЛЛИК ПЛАН МИҚДОРИДА МЕВА ТАЙЕРЛАШГА АҲД ҚИЛДИЛАР

СССРнинг 50 йиллигини меҳнатда муносиб совғалар билан қарши олиш учун курашаётган Хоразм областининг боғбонлари ажойиб муваффақиятга эришдилар. Улар тайёрлов пунктларига 583 тонна ёки пландагидан 83 тонна кўп турли хил мева топширдилар. Йиллик планнинг муддатидан олдин бажарилишида Янгиариқ, Урганч, Хива ва Қўшкўпир районларининг боғбонлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Область боғбонлари боғларда етиштирилган мўл ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиш учун ҳамма куч ва имкониятни ишга солмоқдалар. Соҳибкорлар давлатга яна 440 тонна шириншакар мева сотиб, икки йиллик планни ошириб бажаришга қарор қилдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА 1972 ЙИЛНИНГ 7 ОЙИ МОБАЙНИДА ПУДРАТ ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИ ПЛАНИ БАЖАРИЛИШИНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА

МАЪЛУМОТ

	Етти ойлик планнинг бажарилиш процентида	1972 йил 7 ойлик планининг 1971 йил 7 ойига нисбатан процент ҳисобида бажарилиш ҳажми
Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги	112	121
Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги	106	108
Автомобиль йўллари қурилиши ва ундан фойдаланиш министрлиги	102	99,7
Ўзглавводстрой	102	119
Ўзколхозстрой	102	105
Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги	100,6	106
Главташкентстрой	97	102
Қурилиш министрлиги	92	101

Умуман республика бўйича олганда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан капитал маблағлар 9 процент кўп ўзлаштирилди ва қурилиш-монтаж ишлари 11 процент ортиқ бажарилди.

Қурувчилар ва монтажчилар суръатни шундай жадаллаштиришлари зарурки, токи август ойи учинчи квартал планида кўзда тутилган барча ишга тушириладиган объектларда ва мактабларда умумқурилиш ва монтаж ишларини тамомлашда ҳал қилувчи ой бўлсин.

ҒЎЗА ПАРВАРИШИ ИЛҒОРЛАРИ

МОСКВА. Киров номли колхознинг бригада бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қумрихон Рустамова ҳикоя қилади:

— Август — пахтакорлар меҳнатига якун ясаладиган ой. Шу ойда кўп ва эрта пишар ҳосил нишоналари етиштирган деҳқонлар кузда катта хирмон кўтарадилар. Заррача бўшашувчиликка йўл қўйилса, бор ҳосилни қўлдан бериб, ер чизиб қолади. Биз бунинг олдини олдик.

Бригадамизнинг ҳамма аъзолари августда ойида нима ишлар қилишнинг яхши биламиз. М. Каримова, Ҳ. Рўзиева, Х. Тошмаматова каби аъзоларимиз чопиқ билан банд бўлишади. Сувчиларимиздан Т. Мамажонов, А. Рустамов, В. Умаровлар ғўзаларни икки марта оби-ҳаётга қондиради. Механизаторларимиз универсалларнинг иш органларига тўсиқлар ўрнатиб, камида уч марта культивация ўтказади. Шундай қилиб, 50 центнерлик «оқ олтин» хирмонига пахта замин яратамиз.

Ҳозир ғўзаларимиз гуркираб ўсяпти, ҳар тупида 10-12 та кўсак яққол кўзга ташланди. Ой охиригача парваришни қизғин давом эттирамиз.

Бригада аъзолари ана шундай режаларни белгилаб, пахта далаларида пешана тери тўкмоқдалар.

Ғ. ПАРПИЕВ,
М. УМАРОВ.

ҒИЖДУВОН. Энгельс номли колхоз пахтакорлари август ойида ғўза парваришини кучайтириш билан ҳар йили пахтадан юқори ҳосил етиштирмоқдалар. Бу йил ҳам ана шу анъанага қаттиқ амал қилиятти. 50 центнерчи Саъдулла Муҳайёев бошлиқ бригада аъзолари 120 гектар ердаги ғўзаларини бешинчи парваришдан чиқардилар. Ҳар туп ғўзада ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 3-4 тадан кўп кўсак тўпланди. Бригаданинг Зебо Раупова, Ражаб Самадова, Санда Қулматова каби аъзолари ҳар куни ғўза парваришида икки нормадан иш бажаряпти. Бошқа бригадаларда ҳам ғўзаларни маҳаллий ўғитлар билан озиқлантириш, суғориш ишлари қун сайин, соат сайин кучайтирилиятти.

Август ойида ҳамма майдонларда икки марта, ғўзаларнинг авжи паст 200 гектарча ерда уч марта парвариш ўтказиш чоралари кўрилиятти.

О. КОМИЛОВ.

СОВЕТ—ҲИНДИСТОН ДЎСТЛИГИ ШАРАФИГА

«Ўзбекистон меҳнаткашлари улуғ Ҳинд халқига самимий дўстлик ҳисларини нақд этади. Ҳинд халқига тинчлик, тараққиёт учун, социал ва иқтисодий тараққиёт соҳасида белгиланган планларни амалга ошириш учун курашда янгиянги муваффақиятлар тилайди». 9 август куни Тошкентда шаҳар жамоатчилиги намояндаларининг бўлиб ўтган йиғилиши иштирокчилари Ҳиндистон — Совет маданий алоқаларни ривожлантириш жамиятининг миллий кенгаши номига юборган телеграммада ана шулар баён қилинган. Бу йиғилиш СССР билан Ҳиндистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилганлигининг бир йиллигига, шунингдек, Ҳиндистон мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилди.

Шаҳар партия комитетининг секретари Р. К. Шонеъматов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг директори, Совет — Ҳиндистон маданий алоқалар жамияти республика бўлими раисининг ўринбосари С. Азимжонова, «Ташсельмаш» заводининг слесари А. Қосимов ва йиғилишда сўзга чиққан бошқа кишилар шартноманинг катта аҳамияти тўғрисида, бу шартнома Совет — Ҳиндистон дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш соҳасида янги босқич бўлганлиги ҳақида гапирдилар. Нотиқлар Ўзбекистон меҳнаткашлари, Совет — Ҳиндистон дўстлигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётганлигини маммуният билан таъкидлаб ўтдилар. (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

МИНЕРАЛ СУВ КЎПАЯДИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати корхоналари минерал сув ишлаб чиқариш ва савдо ташкилотларига етказиб бериш план топшириқларини мунтазам равишда бажармай келмоқда. Кўлгина корхоналарда минерал сув ишлаб чиқариш ва реализация қилишни кўпайтириш топширғи бажарилмай қолмоқда. Наманган, Самарқанд ва Фарғона областларида минерал сувни шишаларга қуядиган янги ихтисослаштирилган цехлар қурилиши ҳали ҳам бошланмаган.

Республика Озиқ-овқат саноати министрлиги Тошкент минерал сувлар заводи ишини яхши йўлга қўйиш учун етарли чоралар кўрмаётир. Бунинг оқибатида топшириқ 60-70 процент атрофида бажарилмоқда. Ҳолбуки республикамиз аҳоли жон бошига минерал сув ишлаб чиқариш бўйича Иттифоқимиздаги ўртача даражадан орқада қолмоқда.

Министрлик бўйича минерал сув ишлаб чиқариш қувватларидан бор-йўғи 46-48 процент фойдаланиляпти. Маҳсулот сифати ҳам талаб даражасида эмас.

Минерал сув савдоси ҳали ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Бундай сувларни сотадиган магазинлар етарли эмас, аҳолининг минерал сувга талаби эса ҳали ҳам тўла қондирилмаётир.

Тошкент артезиан бассейнидаги минерал сув ресурсларидан тўғри фойдаланилмаётир. Бу сувнинг бир қисми, айниқса кечаси, ариқларга оқизиб юборилмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика Озиқ-овқат саноати министрлиги минерал сув ишлаб чиқариш планини бажариш юзасидан қониқарсиз ишлаётганлигини қайд қилиш билан бирга министрликнинг минерал сув ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан белгиланган қўшимча чораларни эътиборга олди. Шу йилнинг ўзида минерал сув ишлаб чиқариш 70 миллион шишага, 1973 йилда 100 миллион шишага, 1974 йилда 120 миллион шишага, беш йилликнинг охирги йилида эса 130 миллион шишага етказилади. Шу мақсадда 1973—1974 йилларда янги қувватлар ишга туширилади.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигига Тошкент шаҳрида минерал сувга эҳтиёж ортган даврда савдо корхоналарининг минерал сувни икки сменада қабул қилиб олишини таъминлаш, шунингдек аҳолига минерал сув сотишни кўпайтириш учун янги савдо точкалари очиш топширилди.

Шунингдек тегишли ташкилотларга минерал сувлардан хўжалик ва маиший эҳтиёжлар учун фойдаланишни тақиқлаш, шифобахш сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш топширилди.

ЯНГИ ДОРИХОНАЛАР ТАРМОҒИ

Аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилашда дорихоналарни кўпайтириш, уларни ҳамда даволаш-профилактика муассасаларини дори-дармонлар, медицина препаратлари ва буюмлари билан таъминлаш катта аҳамиятга эга. Республикамизда дорихоналар сони 1030 тага етди. Дорихона пунктлари, киосклар ва дўконлар кўпайди. Аҳолига заводда ва дорихонанинг ўзида тайёрланган дори-дармонларни реализация қилиш ҳажми анча ошди.

Шу билан бирга республика дорихона муассасаларини ривожлантиришда ва уларнинг ишида жиддий камчиликлар мавжуд. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва унинг Дорихоналар бош бошқармаси аҳолини ва даволаш муассасаларини дори-дармонлар билан таъминлашда етарли оперативлик кўрсатмаётир. Бунинг оқибатида кўпгина дорихоналарда ассортиментдаги дори-дармонлар топилмайди. Айниқса пахта, дона ва бошқа медицина буюмлари билан таъминлашда узилишга йўл қўйилмоқдани, бу меҳнаткашларнинг ҳақли шикоят ва эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Шуларни эътиборга олиб, республика Министрлар Совети дорихоналар тармоғини янада кенгайтириш, аҳолини дори-дармонлар, медицина буюмлари билан таъминлашни янада яхшилаш юзасидан қарор қабул қилди. Бу қарорга мувофиқ 1973—1975 йилларда Тошкент областида 50 та, Фарғона областида 30 та, Самарқанд областида 40 та, республикамиз бўйича жами 300 та янги дорихона очилади. Дорихоналарнинг моддий-техника базаси янада яхшиланади.

Шунингдек қарорда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги зиммасига дорихона муассасалари ишини яхшилаш, уларда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, аҳолига ва даволаш-профилактика муассасаларига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш юзасидан конкрет чоралар кўриш, дорихоналарни зарур технологик ва махсус ускуналар, дорихона мебеллари билан жиҳозлаш, медицина ахборотн хизматини яхшилаш; қаровсиз ёлғиз кишилар, инвалидлар ва қариялларга дори-дармонларни уйига етказиб бериш, врачлардан телефон орқали дори тайёрлаб бериш ҳақида шошилинч буюртмалар қабул қилиш каби хизмат кўрсатишнинг замонавий методларини жорий этиш вазифаси юклатилди.

ХЎЖАЛИК ЖОНКУЯРЛАРИ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Қарши районидаги «Коммунизм» колхози коммунистлари партия ҳужжатларини алмаштириш муносабати билан ўз вазифаларини белгилаб олаётирлар

КПСС Марказий Комитети Май пленумининг партия ҳужжатларини алмаштириш тўғрисидаги қарори республикамиздаги барча бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида муҳокама қилинмоқда. Партия ташкилотларида бу муҳим ташкилий-сиёсий тадбирни партия интизомини янада мустаҳкамлаш, топширилган вазифага масъулият ҳиссини ошириш, коммунистларнинг авангардлигини ва ташаббускорлигини кучайтириш, партия сафини янада мустаҳкамлашнинг муҳим омили деб қаралмоқда.

Қарши районидаги «Коммунизм» колхозининг коммунистлари яқинда бўлиб ўтган партия йиғилишида партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик ва шу муносабат билан зиммаларидаги вазифаларни кенг муҳокама қилдилар. Коммунистларнинг шу ҳақдаги таклиф ва мулоҳазалари тингланди. Асосий диққат-эътибор бурчга содиқлик, коммунистнинг ибрати, унинг активлигини ошириш, партия интизомига қатъий риоя қилишга қаратилди.

Қуйида «Коммунизм» колхозида бўлиб ўтган партия йиғилиши ҳақидаги репортаж диққатингизга ҳавола қилинади.

Бу колхоз яқин пайтларгача ўртача хўжаликлардан бири ҳисобланарди. Кейинги уч-тўрт йил ичида деҳқончилик маданияти кескин кўтарилгани, янги-янги ирригация-мелиорация шохобчалари қурилгани, экин майдонларининг мелиоратив ҳолати тубдан яхшилангани, айниқса колхоз пахтакорларининг бой тажрибага эга бўлгани натижасида хўжалик бақувват колхозлар қаторидан ўрин эгаллади. Бу ерда ингичка толали пахта етиштириш тўла ўзлаштирилди. Даромад кўпайди. Колхозчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошди. Барча тармоқларни комплекс ривожлантиришда ва уларни рентабелли соҳаларга айлантиришда коммунистларнинг ҳиссаси катта бўляпти. Улар ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида, қаерда ва қайси соҳада ишлаётганликларидан қатъий назар, ўз ҳамкасбларига, дўстларига ибрат кўрсатаётирлар.

Колхоз партия комитетининг секретари Омон Умаров уч йил аввал илғор пахтачилик бригадаларидан бирига бошчилик қилар эди. У кўп йиллар давомида масъулиятли участкаларда ишлади. Ҳозир эса хўжалик коммунистларининг саркори.

«Коммунизм» колхози партия ташкилоти сафида 113 коммунист бор. Бу жуда катта куч. Колхоз коммунистлари барча куч ва воситаларни хўжаликни комплекс ривожлантиришга қаратмоқдалар.

Улар хўжаликнинг барча участкаларида намуна кўрсатиб меҳнат қилаётирлар.

Йиғилишда сўзга чиққан нотиқлар партия ҳужжатларини алмаштириш давомида ҳар бир коммунистнинг бажариши лозим бўлган вазифалар ҳақида тўлқинланиб гапиришди. Биринчи бригада аъзолари ингичка толали пахта етиштиришнинг ташаббускори бўлиб чиққан эдилар. Биринчи марта шу бригадада ингичка толали пахтадан мўл ҳосил кўтарилди. Шундан бери орадан тўрт йил ўтди. Ҳозир колхоздаги ҳамма бригадаларда ингичка толали пахта етиштирилмоқда. Бригада ўтган йили 180 минг сўм даромад* қилди. Ташаббускор бу коллективга моҳир ташкилотчи, КПСС XXIV съездининг делегати Тунуқ Жўраева бошчилик қилаётир. Бу ерда асосан ёшлар меҳнат қилишади. Улар қўшни бригадаларга ҳам тез-тез ёрдам бериб туришади.

Бригада бошлиғи Т. Жўраева йиғилишда сўзга чиқиб, бригада коллективининг фаолияти, коммунистларнинг ибратли ишлари ҳақида, ҳар бир пахтакорнинг колхоз ишлаб чиқаришига қўшаётган ҳиссаси тўғрисида сўзлаб берди.

Партия йиғилишида коммунист Нормурод Каримов мудирлик қилаётган сут-товар фермасининг коллективи номига ҳам илиқ сўзлар айтилди. «Коммунизм» колхози эса ўтган йили бу соҳадан 440 минг 641 сўм даромад олди. Хўш, бу ютуқлар қандай резервлар ҳисобига қўлга киритилмоқда? Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти чорвачиликни тажрибали мутахассислар билан мустаҳкамлади, мустаҳкам озуқа базаси яратиш ишига ғамхўрлик қилди. Фан ютуқлари ва илғор тажрибалар жорий қилинди. Оғир қўл меҳнати механизацияланди. Ҳар бош сигирдан соғиб олинаётган сут 3700 килограммга етди. Муҳтарама Исаева, Хадича Маҳмудова каби коммунистлар эса ўзларига биркитилган сигирларнинг ҳар бошидан 4—4,2 минг килограммдан сут соғиш учун курашаётирлар.

Коммунист Тоҳир Ҳусанов мудир бўлган қўйчилик фермаси коллективи ҳам яхши натижаларга эришмоқда. Ўтган йили бу ерда 2700 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 135 тадан қўзи олинган эди. Бу йил олинган қўзилар сони ҳар юз бош совлиқ ҳисобига 145 таданга тўғри келди. Колхозда гўшт, сут, қоракўл тери, тухум етиштириш ярим йиллик планлари ошириб бажарилди. Чорвадорлар колхоз парткоми ва правлениеси олдига махсулот таннархини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, иқтисодий билимларни ўрганиш мактабининг фаолиятини яхшилаш тўғрисида бир қанча талаблар қўйдилар.

Йиғилишда асосий мавзу коммунистларнинг бурчи ва уларнинг активлигини ошириш ҳақида борди. Сўзга чиққан 6-бригада партия ташкилотининг секретари Шойим Апалов, 4-бригада бошлиғи Нортош Азимовалар коммунистларнинг топширилган ишни бажарибгина қолмай, айни пайтда коллектив иши учун жонкуярлик қилиши лозимлигини ҳам қайд этиб ўтдилар. Еш коммунистлардан Тунуқ Жўраева, Ҳайдар Қаҳҳоров, Ҳотам Зоировларнинг ибратли ишлари ҳақида, колхоз экономикасини ривожлантириш соҳасида жонбозлик кўрсатиб, меҳнат қилаётганликлари тўғрисида сўзлаб бердилар.

Колхоз ва бригада партия ташкилотлари йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда ёш коммунистлар актив иштирок қилаётирлар. Улар малакали ва тажрибали коммунистлар ёрдамида муҳокама этиладиган масалаларни пухта ўрганиб чиқишади.

Сўзга чиққан коммунистлар партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик давомида коммунистларни партия йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказишга янада кенгроқ жалб этиш, КПСС Устави ва Программаси талаблари қандай бажарилаётганини тез-тез муҳокама қилиб туриш, партком мажлисида коммунистларнинг ҳисоботларини тинглаб бориш ҳақида таклифларини айтишди. Коммунистларнинг билими, савияси ва қобилиятига қараб партия топшириқлари бериш, бу топшириқларнинг бажарилишини мунтазам назорат қилиб бориш лозимлиги яна бир бор қайд қилиб ўтилди.

Йиғилишда колхоз коммунистлари, бошланғич партия ташкилотлари партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик даврида амалга оширилиадиган конкрет тадбирлар тасдиқланди, қарор қабул қилинди.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси геология ва геофизика институтининг минералларни тадқиқ этиш физик методлари лабораториясида Ўзбекистон территориясида топилган геологик жинслардаги қимматли минералларни тезроқ аниқлаш бўйича изланиш ишлари олиб бориляпти. Суратда: илмий ходим Ю. А. Волков.

И. Глауберзон фотоси.

Контопарларимиз республикамизнинг Ҳисор тоғлари ён бағирларида мис, рух, қўрғошин сингари рангли металлар ҳазиналари борлигини аниқлашди. Суратда: (чапдан) Тоғлар ён бағридаги геологлар посёлкаси ҳамда толмас контопарлар Ойбек Мусаев, Николай Соболев ва парма-ловчи катта мастер Юрий Иванов ўртоқлар навбатдаги ишлар ҳақида келишиб олаётирлар.

В. Лейзерович фотоси. (ТАСС).

Ёшлик даъвати

РЕПОРТАЖ

Романтик ўй-хаёллар билан тўлиб-тошган ёшлик нималарга қодир эмас. Гоҳо ўзини космонавт, гоҳида инженер ёки олим ҳис этиб, орзу кўкида парвоз этган ёшлар камми? Биринчи космонавт Юрий Гагарин, Ленин мукофоти лауреати Турсуной Охунова ёки машина теримида жаҳонга рекорд қўйган Шоймардон Қудратовлар — бундай шуҳрат тараттган сон-саноқсиз кишилар бир пайтлар мактаб партасида алифбедан дарс олишганини эсласанг ёшликнинг битмас-туганмас кучга эга эканлигига тан берасан.

Биз район комсомол комитетининг биринчи секретари М. Отақулов билан ана шу қайноқ ёшлик ҳақида суҳбатлашиб ўтирардик.

— Лоақал районимизни олайлик, — деди у кўзлари севинчга тўлиб, — ўрта мактабни тугатган Умри Хасанова ўзи туғилиб ўсган колхозда қолиб, механизатор бўлишга аҳд қилган эди. Бу касбга иштиёқ уни кейинчалик Тошкент қишлоқ хўжалик техникумида сиртдан ўқишга ундади. Мана кўриб турибсиз, партия ва ҳукуматимиз унинг меҳнатини муносиб баҳолади. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор» деган фахрий унвон берилди Тўққиз йилдирки, у биринчи космонавт аёл — Валентина Терешкова номли колхозда раис. У Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, КПСС XXIV съезди делегати.

Ҳамроҳим бундай мисолларни кўплаб санаб кетди. Уларнинг аксарияти билан яқинроқ танишишга муяссар бўлдим.

Район партия комитетининг бюро аъзоси Тўйғул Уроловаинг номи Ўрта чирчиқликларга яхши таниш. У ўрта маълумот олгандан кейин колхоз сут-товар фермасига ишга келди. Халқ даъвати шунга чорлади. Тез орада у ҳалол меҳнати билан ҳамкасблари ҳурматини қозонди, партия сафига ўтди. Эндиликда ўрта мактабдан тўғри ишлаб чиқаришга келган Тўйғул Уролова Энгельс номли колхоз партия комитетининг секретари бўлиб ишламоқда.

Эҳтимол, баъзи газетхонлар нега бундай кишиларни тилга олаётганимиздан ҳайрон бўлишар Гап шундаки, бу йил Ўрта Чирчиқ районида 1848 ўғил-қиз ўрта мактабни битириб чиқди. Улардан 200 дан зиёди ишлаб чиқариш корхоналари, қурилиш ташкилотлари, колхоз-совхозларда қолиб ишлашга аҳд қилишди. Биз уларнинг нега шундай қарорга келишгани ҳақида ўзларига сўз бериб қўяқолайлик:

С. Айний номидаги 15-ўрта мактаб битирувчиси Г. Зиёвуддинова:

— Ўрта мактабда билим олиш билан бирга ҳунар ўрганганимиз ҳам яхши бўлган экан. 50 ўқувчи механизация сирларидан хабардор. Бу эса эндиликда колхозда қолиб механизатор бўлишимизга ёрдам берди. Мен «Ленин йўли» колхозида шу мавсумдаёқ «зангори кема»да пахта теришга қарор қилдим.

«Ленин йўли» колхози раиси Қ. Соттибоев:

— Колхозимиз агрономи Жўра Мусақулов ўрта мактабни тугаллаб, хўжалигимизда қолган эди Колхозда ишлаб юриб, Тошкент халқ хўжалиги институтида ўз малакаси ва билимини оширди. Бу меҳнатсевар йигитнинг деҳқончилик сирларини қанчалик пухта эгаллаганлигини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Колхозимиздаги тўртта ўрта мактабни бу йил битирган 110 ўқувчининг деярли ярми колхоз правлениесига ариза берди Улар ўз жонажон қишлоқларида қолиб ишлаш ниятида шундай қилишди, албатта. Биз уларни тентанали равишда колхоз аъзолигига қабул қилдик. Келгусида бу ёшларнинг сиртдан ўз билимларини оширишларига барча имкониятларни яратиб берамиз.

«Ленин йўли»лик ёшлар ташаббуси қанот қоқди. 43-мактабдан Мавлуда Шодиева, Гуландом Элатова, Саидвали Раҳмонов, 57-мактаб битирувчиларидан Рая Мўминова, Пётр Кашченко, Владимир Осипов, Хурсанд Каримов, Аваз Норматовлар ўз тенгдошлари изидан бориб ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга жазм этишди.

Район ижроия комитети ўрта мактабни тугаллаган ёшларни ишга жойлаштирувчи комиссия тузди. Мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшлар тақдири район партия, совет ва комсомол ташкилотларининг диққат-эътиборида турибди.

— Азиз тенгдошлар, биз сизларга мурожаат қиламиз, — дейилади ўрта мактабларни бу йил битириб чиққан бир группа ёшларнинг район йигит-қизларига мурожаат хатида, — ҳозирги кунда ҳар биримизнинг ўрнимиз пахта даласида, завод дастгоҳи ёнида, хўжалик фермаларида бўлиши керак. Ота-оналаримиз эзгу ишларининг муносиб давомчилари бўлайлик!..

Биз отақалб ёшларга: «Ниятингиз йўлдошингиз бўлсин, орзуингизга етинг» деймиз.

Ҳ. ИКРОМОВ.

КОММУНИСТ БЎЛИШ — КАТТА БАХТ

Тошкент сиёсий маориф уйида «Коммунист бўлиш — катта бахт» деб аталган китоб-сурат кўргазмаси очилди. Партия ҳужжатларининг алмаштирилишига бағишланган бу кўргазмага КПСС Марказий Комитети 1972 йил май Пленумининг материаллари қўйилган. Плакатлар ва диаграммаларда партиянинг социал состави, мамлакат халқ хўжалиги тармоқларида коммунистларнинг жойлаштирилиши тўғрисида ҳикоя қилинади.

Маориф уйига келган пропагандистлар, лекторлар, сиёсий ахборотчиларнинг диққат-эътиборини КПССнинг ташкилий асослари тўғрисидаги, партия ҳаётининг ленинча нормалари ҳақидаги китоблар ўзига жалб этмоқда. Партия қурилишига доир кўргазмали қуроллар тўплами ҳам бу ерга келган кишиларни қизиқтиради.

(ЎзТАГ).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА НОТ

КПСС XXIV съезди Директиваларида тўққизинчи беш йилликда меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига мамлакат миллий даромадини 37-40 процент кўпайтириш кўзда тутилган. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий манбаларидан бири эса колхоз ва совхозларда меҳнатни илмий асосда ташкил этишни жорий қилишдан иборатдир.

В. И. Ленин меҳнатни илмий асосда ташкил қилишнинг назарий асосларини ишлаб чиқиб ва унинг аҳамиятини таърифлаб: ...Меҳнатни ташкил қилиш Совет ҳокимияти учун умумжамият ҳаётида энг муҳим, чуқур ва кечиктириб бўлмайдиган вазифадир, деган эди.

Доҳийнинг бу кўрсатмасига изчиллик билан амал қилинмоқда. Колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мунтазам кўпайиб боряпти, меҳнат ва моддий ресурслардан самаралироқ фойдаланиш ҳисобига турли хил ҳаражатлар камаймоқда, кишиларнинг саломатлигини сақлаш ва яхшилаш учун кўпгина тадбирлар амалга оширилаётир.

Республикамиз колхоз ва совхозларида ишлаб чиқариш, меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш, колхоз аъзолари ва совхоз ишчиларини иқтисодий ва маънавий рағбатлантиришни янада яхшилаш юзасидан анчагина ибратли ишлар қилинди. Бу эса ўз навбатида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, меҳнат унумдорлиги ва жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини янада ошириш имконини бермоқда. НОТ айниқса Оққўрғон районидаги Свердлов номли, Ленин номли, Энгельс номли, Избоскан районидаги Охунбобоев номли, Охунбобоев районидаги Карл Маркс номли, Сирдарё областидаги «Коммунизм» колхозлари, «Ҳазарбоғ», «Малик», «Савай», «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» ва «Фориш» совхозларида яхши самара бераётир.

Бир неча колхоз ва совхозларда ўтказилган кузатув пайтида ишчи кучлари ва техника воситаларининг бўш туриб қолиши 20-25 процентни ташкил этаётгани аниқланди. Меҳнатни бир меъёрда ва узлуксиз давом эттириш каби НОТнинг энг асосий ва муҳим талабларига кам эътибор берилаётир. Бу айниқса ғўза қатор ораларига ишлов беришда сезиляпти. Бир қатор хўжаликларда механизатор ва сувчилар ўзаро ҳамкорликда ишламаётирлар, минерал ўғитлар ва ёнилғиларни ташиб келтириш ва агрегатларга етказиб бериш тўғри ташкил қилинмаган. Суғориш группа усулида ташкил этилмагани сабабли эгатлар бир вақтда етилмаяпти, тракторларнинг иш унуми пасайиб кетмоқда.

Бундай камчиликларни тугатиш учун энг аввало барча иш жараёнларининг ташкилий-технологик картасини тузиб чиқиш лозим. Шу карталарда тракторларни ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини уруғлик, минерал ўғит, ёнилғи билан таъминлаш учун кетадиган вақт, машиналарнинг ҳаракат йўли, уларни заправка қилиш ўрни, техника хавфсизлиги қоидалари, бажариладиган ишнинг ҳажми ва режими аниқ кўрсатилади.

НОТ маркази текшириш ўтказиб, қишлоқ хўжалик машиналарини группа усулида ишлатганда меҳнат унумдорлигининг энг юқори даражага етишини аниқлади. Шу сабабли поток усулини пахта йиғим-терими ва уни тайёрлов пунктларига етказиб беришда қўлланиш мақсадга мувофиқдир. Бу усул қўлланилганда ҳар бир группага битта транспорт трактори ва 6-8 та қоп-қанорсиз юк ташиш тележкаларини биркитиб қўйиш лозим.

Машиналарни группа усулида ишлатганда пахта нобудгарчилиги ва транспорт воситаларига бўлган талаб 25-30 процент камаяди, ташкилий-техника хизмати кўрсатиш яхшиланади, тажриба алмашиш ва социалистик мусобақани кучайтириш учун зарур шароитлар вужудга келади. 10-12 киши ишлаётган группада ҳар куни 25-30 тонна пахта териш мумкин бўлади.

Меҳнатни тўғри ташкил қилиш ва кишиларга унумли ишлаши учун шароит яратиб бериш ишлаб чиқариш жараёнлари тобора механизациялашиб бораётган чорвачилик соҳасида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Республикамиздаги бир қатор колхоз ва совхозларда бундан анча йил аввал қурилган чорвачилик бинолари бор. Ана шу биноларнинг ички қисмини қайта қуриб, улардан янада унумлироқ фойдаланиш, озуқа ташишга кетадиган меҳнат сарфини камайтириш, оғир қўл меҳнатини енгиллаштириш мумкин.

Жуда кўп колхоз ва совхозларда бу соҳада анчагина ибратли ишлар қилиняпти. Фарғона областидаги Охунбобоев номли Жданов номли, Самарқанд областидаги «Боғизоғон», Андижон областидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозларида чорва биноларининг ички қисми қайта қурилгани сабабли чорва молларни парвариш қилиш анча яхшиланди. Бу иш учун сарфланган маблағнинг ўрни икки йилда қопланди.

Фан ютуқлари ва илғор тажрибалар асосида қоракўлчиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш юзасидан бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилди. Тозаланмаган қоракўл тери топшириш, қоракўлча етиштириш, қўй жунини марказлашган усулда қирқиш, совлиқлар тўёғини кўпайтириш каби тадбирлар ана шулар жумласидандир.

Хўжаликнинг ўзида, қоракўл терига дастлабки ишлов бериш ўн бир хил иш усулини ўз ичига олади. Шулар орасида айниқса терини ёғ, чанг ва лой-тупроқдан тозалаш кўп меҳнат талаб қилади. Текширишда йилига 20 минг дона қоракўл тери топширадиган совхозда ана шу иш учун 250 киши-куни сарфлангани маълум бўлди.

Тозаланмаган қоракўл терини топширишга рухсат берилгандан сўнг меҳнат ҳаражатлари кескин камайди. Масалан, Қорақалпоғистон АССРнинг Тахтакўпир рай-

ДЕҲҚОНГА МАДАДКОРЛАР

ТЎРТ ЛАВҲА

Мўъжизакорлар даргоҳи — Ленин орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли Чирчиқ электрохимия комбинатининг деҳқонларга мададкор бўлаётган кимёгарлари билан учрашдик. Улар ишлаб чиқараётган мўл-кўл минерал ўғитлар пешма-неш вагонларга юкланяпти. Дирекция адресига эса республикамиз ва қардош республикаларнинг деҳқонларидан Чирчиқ ўғитини сўраб ёзилган талабномалар келиб турибди. Айниқса пахтакорларнинг бўюртмалари биринчи навбатда ҳал этиляпти. Қуйида ишчи деган номни яратувчанлик қобилияти билан улуғлаётган, қишлоқ хўжалигига баракали минерал ўғит етказиб бериш иштиёқи билан ишлаётган, деҳқонларга камарбаста кишилар ҳақида ҳикоя қиламиз.

300 ШОГИРДЛИ УСТОЗ

Комбинат директорининг кадрлар бўйича ёрдамчиси Саид Азаматов: — «Сизларни устозим Омон ака билан таништираман» — деб турганда, мусобақадош Навоий химия комбинатидан тажриба алмашиш учун меҳмонлар келиб қолди. Саид ака ўзининг имкониятн бўлмагани туфайли биз билан гаплашишни завком раисининг ўринбосари Абдуқодир Маҳмудовга топширди. Абдуқодир бизни минерал ўғит ишлаб чиқарилаётган ускуналар шовқини билан тўлган 3-цехга бошларкан, фахр-ифтихор билан:

— Бу ерда устозим Омон ака Илёсов ишлайдилар. Ёшлари 57 дан ошган бўлса-да, ҳали йигитдай. Устозини мақтаяпти деманг-ку лекин қанча мақтаса арзигулик киши. 32 йилдан бери у кишининг иккинчи уйи ҳам, ижодий лабораторияси ҳам шу цех. Илгарилари қоғоз халтада тощдек қотиб қоладиган азот ўғитини донадор қилиб чиқаришни йўлга қўйган шу киши. Қолганини учрашганингизда билиб оласиз,— деди.

Ичкарига кирдик. Омон ака иш соати тугаган биринчи смена ишчиларини йигиб, эртаги юмушлар ҳақида гаплашиб олаётган экан. Кўп ўтмай мажлис тугади. Ўрта бўй, кенг елкали, кишига синовчан боқувчи Омон ака атрофини 6-7 чоқли ишчи қуршаб, азот аппаратларининг иш унумини янада оширишга тааллуқли тадбирлар ҳақида маслаҳатлашарди.

Омон ака билан самимий саломлашдик. Унинг бақувват бармоқлари, забардаст билаклари чиндан ҳам ҳали йигитдай эканлигини кўрсатарди. У, қисқа ва ифодали гапирди:

— Комбинатга келганимда ҳаётни энди тушуна бошлаган ёшгина йигит эдим. Комбинатимиз ҳам энди шаклланаётган, янги цехлар қурилиб ишга туширилаётган корхона эди. 1940 йил 6 февралда олинган биринчи маҳсулотни ишлаб чиқариш пайтида мен азот аппаратини бошқаргандим. Корхонамиз қудратини энди бир сўз билан ифодалаб бўлмайди.

Омон ака ўзи ҳақида ҳеч нарса демади. На 1943 йилда Ленин ордени олганини, на 1947 йилда СССР химия саноати аълочиси номи берилгани, ҳатто «Шавкатли меҳнати учун», «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медаллари билан тақдирлангани, республикада хизмат кўрсатган рационализатор номини олишга мушарраф бўлгани, 1966 йилда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга эришганлиги ҳақида ҳам бирон оғиз гапирмади. Чирчиқ шаҳрининг фахрий гражданлигига қабул қилинганлигини ҳам ишчилардан эшитдик. У фақат:

— Шогирдларим кўп. Уларнинг сони 300 дан ошди. Ҳисоблаб юраман. Шогирдсиз уста — ҳосилсиз дарахт, дейишган-ку. Билагимга қувват, кўзларимга нур бахш этувчи ана шулар. Ишимизга қут-барака киритаётган слесарь Тиллаев, пайвандчи Қўшатов, созловчи Султонов сингари жонкуярларимиз ҳақида ёзишни унутманг, — деб илтимос қилди.

ЖОН ҚУЙДИРМАСАНГ...

Рўзибой ака шу мақолни тез-тез такрорлаб туради. Бунинг боиси бор. Бўстонлиқнинг Сиж-жак қишлоғидан Чирчиққа келганида на ҳунари, на билими бор эди. Катта комбинат уни қучоқ очиб қарши олди. Дастлаб оддий ишчи бўлиб ишлади. Билимсиз кишига оддий ишчилик ҳам оғирлик қиларкан. Шаҳардаги учинчи касб-ҳунар билим юртида ўқиди. Малакали слесарь бўлиб етишди.

Мана, 19 йилдирки у слесарлик қиляпти. Тўққизта вакуум, ўндан ортиқ центробеж насослари унга бириктилган. Бир сўз билан айтганда, маҳсулот сифати ва салмоғи ана шу насосларнинг бетўхтов ва соз ишлашига боғлиқ. Насослар тақдири эса Рўзибой ака қўлида. Мабодо битта центробеж насоси бир соат ишламай қолса, бир неча тонна маҳсулот чиқмайди деган гап.

Корхона фидокори Р. Тиллаев битта насос ремонтига кетадиган вақтни 20 процент қисқартириб ишлаётир. Ҳозир комбинатнинг ўнлаб слесарлари Рўзибой Тиллаев тажрибасига таяниб иш тутяпти.

Яқинда комбинат партия ташкилотининг секретари Юрий Соболь Р. Тиллаевни ўз ҳузурига чақирди. Унинг қадоқ қўлларини самимий қисиб, самарали меҳнати учун берилган мукофот билан қутлади. Кўксига «Шавкатли меҳнати учун» медалини тақиб қўйди.

ПАЙВАНДЧИ СИР ТУТМАДИ

Учинчи цехда нима кўп катта-кичик қувур кўп. Биридан кислота, иккинчисидан сув, учинчисидан ҳаво, ҳуллас, маҳсулот тайёрлашга қандай ҳом ашё даркор бўлса шу қувурлардан тинимсиз оқиб туради. Уларни учма-уч қилиб ҳисоблаганда бир неча километрдан ошиб кетаркан.

Кеча-кундуз кимёвий ҳом ашёлар оқиб туриши туфайли бу қувурлар навбатма-навбат тешилиб, ёрилиб туради. Қувурлар «дардининг шифокори» деб ном қиқарган Нусратилла Қўшатов ана шундай пайтда иш беради. У пайванд қилган қувур «дард кўрмай», узоқ муддатга чидайди. Бунинг ҳам сир-асрори бор. Н. Қўшатов 23 йилдан бери орттирган тажрибасини сира аямай, беминнат меҳнат қилади.

— Одатда 65 ампер миқдордаги электрқувватида пайванд қилинади. Электрод ингичка бўлса ток кўпаяди, йўғон бўлса камаяди. Баъзи пайвандчилар буни фарқ қилмайдилар. Агар, ингичка электрод билан пайванд қилинаётганда мавжуд ток миқдори озайтирилмаса пайванддаги хиром никель титани куйиб кетади. Пайванд бўш чиқади. Шунинг учун пайванд қилишдан олдин электродга қараб, доим ток миқдорини кўзқулоқ бўлиб тураман...

ОРЗУ УШАЛДИ

Бир куни унинг қишлоғига бир сеҳргар келиб, кўп мўъжизалар кўрсатди. Стакандаги водопровод сувига «дам» солиб лимонад қилди. Уни бир болага ичириб, «Водокачка»га айлантирди. Иккинчи бир бола унинг чап қўлини ҳавога кўтариб, пастга босганда оғзидан водопровод жўмрагидек сув келди... Шу-шу бўлди-ю, лавҳамиз қаҳрамони М. Султонов ҳам сеҳргар бўлишни дилига тугди. Шу ният билан Чирчиқ электрохимия комбинатига келди.

— Тўғрисини айтсам, сеҳргарликни ўрганмоқчиман. Корхонангизда мўъжизакорлар ишлашади, деб эшитдим, — деди кадрлар бўлимининг бошлиғига.

Бошлиқ дастлаб ҳазилга йўйиб кулди, кейин ўзини босиб баҳори энди гуллаётган, қалби қанотли орзуларга лиқ тўла йигитчага ҳақиқатни тушунтирди:

— Сен тўғри эштибсан. Бу ерда чинакам мўъжизакорлар ишлашади. Бунинг учун аввалс химия илмини билиш керак, укам. Ўзинг ўйлаб кўр, ҳаво ва сувдан қоп-қоплаб ўғит оламиз. Бу, мўъжиза бўлмай нима?

М. Султонов шу тариқа электрохимия комбинатнинг азотли ўғитлар цехида ускуналарни созловчи-слесарь устага шогирд тушди. Бир йилдан кейин ўзи ҳам мустақил уста бўлиб етишди. Катта коллектив ҳурматига сазовор бўлишнинг ўзи бир бахт эмасми. У навбатчилик қилган смена ойлик ва квартал топшириқларини ҳамиша 120-130 процент ушдалаяпти. Бунда М. Султоновнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

СССР — 50
ТОЖИКИСТОН ҲАФТАЛИГИ

50 ЦЕНТНЕР УЧУН

Юбилей йилининг хирмони баракали бўлсин! Бу шиор ҳозир бутун республикада жаранглаб эшитиляпти. Бригадамиз коллективи Регар районидаги Калинин номли колхозининг А. Хидиров, С. Забиров ва Ҳ. Ашуровлар бошлиқ илғор бригадалари гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш учун бошлаб берган ватанпарварлик ташаббусига яқдиллик билан қўшилди. Бу мусобақа бошланганига бир ойдан ошди. Унга ҳозир ўнлаб колхозлар ва совхозлар, юзлаб бригадаларнинг пахтакорлари қўшилиб, юбилей йилининг мўл ҳосили учун мардонавор кураш олиб бормоқдалар.

Ватанпарварлар ташаббусини Тожикистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллади ва махсус қарор қабул қилди, республиканинг барча пахтакорларини илғорлардан намуна олишга даъват этди.

Колхозимиздаги бошқа бригадалар каби бизнинг бригадамиз аъзолари ҳам ўз вазфаларининг устидан чиқиш учун далаларда фидокорлик билан меҳнат қиляптилар, ғўзанинг ҳосилга ҳосил қўшиш тадбирларини амалга оширяптилар. Биз ҳозир барча майдондаги экинни беш марта комплекс парвариш қилишни тугалладик.

Тожик пахтакорларининг мўл ҳосил учун курашига ўзбек қардошларимиз бераётган ёрдам катта мадад бўляпти. Биз бу йил катта майдонларга ўзбек селекционерлари етиштирган «Тошкент-3» навли ғўза чигитини эккан эдик. Вилт касаллигига чидамли бўлган Тошкент нави ғўзаси жуда яхши ривожланди. Унинг ҳар тупида ҳозир кўп сонли шона, гул ва 2-3 тадан бўлиқ кўсак мавжуд. Бригадамиз механизаторлари Абдусафо Қодиров ва Маҳкамбой Бобоевлар ғўзани ўз вақтида культивация қилиб, талабига яраша озиқлантирган бўлсалар, сувчиларимиз экинни обхаётдан ўз вақтида баҳраманд қилиб турдилар. Чеканка сифатли ўтказилди.

Биз ғўза парваришини давом эттириш билан бир қаторда, ҳосил йиғим-теримига тайёргарликни ҳам бошлаб юбордик. Бу йил етиштирилган пахтанинг камида 50 — 60 процентини машиналар билан териб олишни мўлжаллаяпмиз. Буни назарда тутиб, машина теримига ажратилган пайкаллардаги ғўзанинг бўйи нормал бўлишини, ҳосили барвақт етилишини таъминлашга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олишни уюшқоқлик билан ўтказамиз ва қисқа муддатда тугаллаймиз. Ватан омборига ҳар гектар ердан 50 центнердан «оқ олтин» териб топширамиз. Бу, бизнинг юбилейга муносиб совғамиз бўлади.

Обида РАҲИМОВА,
Хўжанд районидаги «Тожикистон» колхозининг бригада бошлиғи.

ҚУВОНЧЛИ ЯКУНЛАР

Тожикистон саноати маҳсулотни реализация қилиш ва энг муҳим буюмларнинг кўпчилигини ишлаб чиқариш ярим йиллик планини бажарди. Саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан тўрт процент кўпайди. Меҳнат унумдорлиги ошди. Электр энергетикада, машинасозлик ва металл ишлашда ўрмон ва ёғочсозлик саноатида энг юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ортди. Мебель, шойигазлама, гилам ўтган йилнинг шу давридагига қараганда анча кўп ишлаб чиқарилди. (ТАСС).

ТОЖИКИСТОН ССР. Вахш дарёси бўйида барпо этилаётган Норак ГЭСи жадал қад ростлаяпти. Бу қуд ратли нур манбаининг дастлабки ҳар бири 300 минг киловаттли икки агрегати СССРнинг олтин тўйи кунигача ишга туширилиши лозим. Суратда: 1- турбоагрегатни монтаж қилиш пайти.

Р. Поздняков фотоси. (ТАСС).

НОРАКДА БИР КУН

Пулисангин дарасида Қуёш ҳамма ерни қуйдиряпти. Симоб устуни тез-тез 40 даража белгисига яқинлашиб турибди. Лекин Норак ГЭСи қурилишида фақат Қуёш иссиғининг ҳарорати сезилаётгани йўқ. Вахш соҳилида «ҳавони» тобора қўпроқ даражада қурилиш ва монтаж ишларининг суръати белгиламоқда.

Ўрта Осиёда энг йирик гидроэлектр станциясининг биринчи агрегатлари ишга туширилади-ган ва интизор бўлиб кутилаётган муддатга беш ойдан камроқ вақт қолди.

Плотина — қурилишнинг иш жадал олиб борилаётган участкаларидан бири. Сентябрь ойидаёқ унинг ёнбағрида Норак денгизининг тўлқинлари мавж ура бошлайди. Бу ерда бир ярим миллиард куб метрдан знёд сув тўпланади. Плотина бунёдкорларининг иши ошиб-тошиб ётибди. Тош, шағал, тупроқ ағдаришни бир ярим-икки баравар кўпайтириш керак. Айрим жойларда плотинанинг баландлиги ҳозирнинг ўзидаёқ 150 метрга етди ва лойиҳадаги баландлигининг ярмига борди. Унга ўн иккинчи миллион куб метр бетон ётқизилмоқда. Бу ерда 27 тонна юк кўтарадиган ўнлаб «БелАЗ»лар кеча-кундуз тинмай ишламоқда. Механизаторлар ихтиёридаги вақт тобора камаймоқда. Улар шошилмоқдалар.

Туннель қурувчилар вақтни кун билан эмас, балки соат билан ўлчашяпти. Ён томондаги қояга ўрнатилган каттакон тахтага 3800 рақами ёзиб қўйилган. Вахш дарёсининг суви тўқ-қиз турбинанинг дастлабки иккитасини айланишга мажбур қиладиган кунга шунча соат вақт қолди.

Туннелларнинг сув омборини тўлдириш бошлангунгача қурадиган алоҳида объектлари бор. Булар ўказиш туннеллари комплекси ва турбиналарга сув келадиган йўллардир. Уларни юксак меҳнат унумдорлигига эришиш соҳасида рекорд кўрсаткичларга эришиб, намуна бўлаётган «Гидроспецстрой», «Спецгидромонтаж» ва бошқа участкаларнинг тажрибали коллективлари қуришяпти. Бу сафар гидромонтажчилар зиммасига қийин вазифа юклатилган. Улар қисқа муддатда бир неча юз тонна металл конструкцияларини ўрнатишлари, турбиналарга сув келадиган йўлларда эса сув туширилади-ган қисмнинг юзасини металл билан қоплашлари зарур.

Шу кунларда ҳам иш қизғин. Бу ерда гидравлик ва энергетика ускуналари монтаж қилиняпти. Бу ердаги деярли ҳар бир механизм, ҳар бир аппарат техника янгилиги ҳисобланади. 300 минг киловатт қувватли турбиналар ва генераторлар сувнинг 275 метргача бўлган мисли кўрилмаган босимида ишлаши керак. «Спецгидромонтаж» бригадалари биринчи электр машинасининг ротор ва старторини ўрнатмоқдалар. Гарчи кўпчилик ишчилар мамлакатдаги энг йирик станцияларни монтаж қилиб, катта тажриба орттирган бўлсалар ҳам, генераторнинг Норак варианти алоҳида аниқликни талаб этади.

Лек Тугов бошлиқ бригада техник жиҳатдан мураккаб вазифани бажармоқда. Ёш монтажчиларга оғирлиги 600 тоннадан иборат затворни йиғиш ва ўрнатиш ишонб топширилган. Бу «қулф» зарур бўлган тақдирда турбиналарга оқиб келаётган қудратли сув оқимининг йўлини тўсади. Бу камёб ускунани мусобақалашаётган дўстларимиз — Харьковдаги Киров номли турбина заводининг ишчилари ясашган. Бригада аъзолари ўз вазифаларини муваффақият билан бажаришяпти.

Г. ҚАЛАНДАРОВ.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози механизаторлари пахтачиликдаги барча ишларни механизациялаш борасида катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Ўнгдаги суратда: совхознинг учинчи бўлимида ғўзалар механизация ёрдамида чеканка қилинмоқда. Бекобод районидаги 4-қишлоқ профессионал техника билим юртининг «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозидаги филиалида 93 нафар ёш механизатор ҳаётга йўлланма олиш арафасида турибди. Улар бу йил кузда «зангори кема»ларни мустақил бошқаришади. Чапдаги суратда: билим юртининг аълочи ўқувчиси Абдуманнон Пирназаров пахта териш машинасининг сирларини ўрганмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ЕШЛАР ИЖОДИДАН

МЕҲРИМ

Партия, оламга жон берган даврнинг жонисан,
Партия, асру замон карвонининг сарбонисан,
Партия, адлу сафо байроғисан, унвонисан,
Партия, гулгун ёноқларнинг мусаффо қонисан,
Партия, эзгу ниятлар боғининг боғбонисан.
Сен билан ҳеч синмагай паймонимиз паймонаси,
Сен билан доим мунаввар бахтимиз кошонаси,
Қўлга киргай сен билан фатҳу зафар дурдонаси,
Сен билан рўёбдадир афсоналар афсонаси,
Бул гўзал, тотли ҳаётнинг сонисан, достонисан.
Меҳнат аҳлин ташвиши бирла яшайсан доимо,
Кулфату ғам илдизин кесмоққа шайсан, доимо,
Бор бисотингни ҳақиқатга атайсан, доимо,
Олдда турган чўққиларга тиқ қарайсан, доимо,
Сен билан ҳар мушкул осон — ақлу идрок конисан.
То абад номинг билан жавлон урармиз, партия,
Азму ҳиммат амрила даврон сурармиз, партия,
Бир қуёш анворимиз — бирга юрармиз, партия,
Коммунизм — орзулар қасрин қурармиз, партия,
Бул буюк умид йўлининг машъали тобонисан.
Партия, гарду ғубор тегмайдиган кўзгу ўзинг,
Бу ёруғ оламда ҳеч сўнмайдиган ёғду ўзинг,
Бахту иқбол излаганлар қалбида орзу ўзинг,
Мангу бир даврон яратдинг, партиям, мангу ўзинг,
Яхшиликнинг ташнаси бўлган башар виждонисан.

ЖОНИБЕК.

ДЎППИ (ҚЎШИҚ)

Йигитларга чуст дўппи ярашади.
Қизлар зимдан уларга қарашади.
Дўппидаги ипак гуллар ял-ял ёниб,
Қараганнинг кўзи ундан қамашади.
Йигитларга дўппиларни қизлар тикиан.
Ана шундан гуллари ҳам гўзал экан...
«Кийган бошлар, омон бўлсин», — дея
қизлар.
Дўппи тикиб, йигитларга ҳадя этган.
Дўппи тиккан қўллар сира дард кўрмасин.
Аяб кийинг, оқ гулига гард қўнмасин.
Қизлар орзу тилаги бор, йўлларида...
Сирли севги — вафо, ошкор, гулларида...

ДАСТУРХОН

Таърифлайин сени азиз дастурхон,
Кўзга суриб қилай эъзоз, дастурхон,
Ҳур замонда, тўкин-сочин, дастурхон.
Меҳмон келди, оч қулочинг, дастурхон.
Боғи лабни ёпиштирган, дастурхон,
Иккн ёшни қовуштирган, дастурхон,
Эл-юртнинг бахти кулган дастурхон.
Давраларда нурга тўлган дастурхон.
Сенга достон ёзсам арзир, дастурхон,
Тўқлигимсан, шўхлигимсан, дастурхон.
Бутун бўлсин элимнинг топган нони,
Тўкин бўлсин ҳамиша дастурхони.

Муҳаббат ҚОДИРОВА.

онидаги Карл Маркс номли совхозда НОТ маркази ходимлари ўтган йили тозаланмаган қоракўл терини топширишни жорий қилганларидан сўнг ҳар бир терининг ўртача харид нархи 2 сўм 12 тийин ошди. Совхоз шу йили 26 минг дона қоракўл тери топшириб, 55,1 минг сўм қўшимча даромад қилди.

Иш ўрнини ва жун қирқувчиларнинг меҳнатини тўғри ташкил қилиш қоракўлчиликда меҳнат унумдорлигини оширишнинг муҳим резервларидан биридир. Ҳеч нарса тўшалмаган қуруқ ерда жун қирқилганида қўйнинг оёғи ва бўйни яхши тозаланмайди, ортиқча меҳнат сарф бўлади. Махсус мосламалар ўрнатилган жун қирқиш хоналарида эса аксинча меҳнат унумдорлиги ошади, жун қирқаётган киши ўнғай ҳаракат қилади, ҳар бош қўйдан 62 грамм, 45 минг бош қўйи бўлган хўжаликда эса икки қирқимда 32 центнер ортиқча жун олинади.

Колхоз ва совхозларда меҳнатни ташкил қилишнинг кенг қўлланилаётган формаси — хўжалик ҳисобига ўтган трактор-далачилик бригадаларидир. Бундай бригадаларга ўртача 110-120 гектардан пахта майдонлари, 3-4 та чопиқ трактори, 2-3 та пахта териш машиналари ва 25-30 та доимий ишчи кучлари бириктилган. Фарғона областидаги трактор-далачилик бригадаларида 60-80 гектар, Сирдарё областидаги бригадаларда эса — 200-250 гектар майдонда деҳқончилик қилинади.

Бригадаларга бириктилган экин майдонлари ҳажми ўртасидаги фарқ ҳам иш натижаларига амалий таъсир кўрсатади. Уруғ кенг қаторлаб экилаётган ва эски техника ўрнига тезлиги ошган ва кучли янги машиналар олинаётган ҳозирги шароитда трактордалачилик бригадаларига кўп миқдорда экин майдонлари бириктиш мақсадга мувофиқдир.

Ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш участкаларида меҳнатни ва ҳақ тўлашни янада такомиллаштиришда меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш муҳим ўрин эгаллайди.

Республикадаги бир қатор пахтакор хўжаликларда НОТ маркази мутахассислари билан ҳамкорликда техника хизмати кўрсатиш учун созловчи усталар звенолари тузилди. Колхоз ва совхозларда техника хизмати кўрсатиш стационар пунктлари ташкил топмоқда, ремонт устахоналари зарур жиҳозлар билан таъминланаётир, иш ўрнини тайёрлашни яхшилаш тадбирлари амалга оширляпти.

Самарқанд областидаги «Пайариқ» совхозида иш жойлари техника жиҳозлари билан етарли таъминланганги сабабли ремонтчи ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги анча кўпайди, техника ремонтини ўз вақтида ва сифатли бажариш имконияти вужудга келди. Созловчи усталар техника қаровини яхши ташкил этишгани сабабли ҳар бир трактор-нинг иш унумдорлиги 8-10 процент ошди.

Колхоз ва совхозларда НОТ жорий этилаётганда кишиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, мусобақани тўғри ташкил этиш ва илғорларни моддий рағбатлантиришни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Оққўрғон районидаги Свердлов номли колхоз ва Андижон областидаги «Савай» совхозида НОТ маркази ходимлари билан ҳамкорликда кишиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш системаси ишлаб чиқилди, социалистик мусобақа ташкил қилинди, барча бўлимлар ва соҳалар бўйича йил давомида мусобақа ўз вақтида якунлаб борилмоқда. Энг яхши колективлар ва илғорларга кўчма Қизил байроқ, Фахрий ёрлиқлар, шунингдек, пул мукофотлари бериляпти, уларнинг номлари «Ҳурмат тахтасига киритилади. Мукофотлар маъмурият, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари раҳбарлари иштирокида тантанали маросимларда тақдим қилинади. Бу эса ўз навбатида ишчиларда меҳнатга иштиёқ уйғотади, план топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажариш, меҳнат унумдорлигини ошириш имконини беради.

Меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш тадбирлари ишлаб чиқилаётганда одамларнинг меҳнати ва дам олиш режимини рационал тузиш, қишлоқ хўжалиги меҳнати санитария ва гигиенасини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор бериш зарур.

Республикамизнинг ўзига хос иссиқ иқлимли шароитида механизаторларга икки циклли иш куни тавсия қилинган. Куннинг энг иссиқ пайти—соат 13 дан 17 гача дам олиш вақти қилиб белгиланган. Бундан ташқари механизаторга ҳар бир ярим соатдан сўнг 10-15 минут дам олиш учун рухсат ҳам берилади.

НОТ марказининг физиология ва меҳнат гигиенаси бўлими ўтказган текширишда икки циклли иш кунида механизаторларнинг меҳнат унумдорлиги 5-7 процент ошгани аниқланди.

Республикамиз колхоз ва совхозларида механизаторларга зарур иш шароити яратиб бериш мақсадида тикувчилик саноати институти НОТ марказининг талаби билан иссиқ иқлимда меҳнат қиладиган механизаторлар коржомалари учун модель тайёрлаяпти. Бу коржомалар табиий тўқималардан тикилади. У гигроскопик хусусиятга эга: ҳаво ўтказмайди, осон ювилади, чангдан тез тозаланади.

Далада ишлаётганлар учун зарур шароит яратиб бериш — муҳим вазифадир. Наманган областидаги бир қатор колхозларда далада ва чорвачилик фермаларида ишлаётган кишиларга ҳалат, рўмол, сувчиларга резина этик берилган, бригадаларда душлар қурилган. «Қизилча» ва «Фориш» совхозларида кўзи сўйиш пунктларида вентиляция, суюқ чиқиндиларни ювиш учун мосламалар ўрнатилган, иш жойлари яхши ёритилган. Душлар ишлаб турибди. Бу хўжаликларда қоракўл теріларни сақлайдиган ва дастлабки ишлов бериладиган хоналарда яхши иш шароити яратилган.

Илмий-тадқиқот институтлари томонидан меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш юзасидан текширишлар олиб бориш, НОТ бўйича илмий жиҳатдан асосланган тавсияномалар ишлаб чиқиш самарадорликни оширишнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш тўқкизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришда муҳим роль ўйнайди.

Д. ЗОҲИРХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш марказининг директори, иқтисод фанлари кандидати.

СПОРТ ХАБАРЛАР

КУЧСИЗ ДЕМАНГ БИЗНИ

Утган куни Свердловск шаҳрида маҳаллий «Уралмаш» командаси пахтакорчиларни қабул қилди. Бир кун олдинги ўринбосарлар учрашувида пахтакорчилар 4:0 ҳисобида ғалаба қозонишганди. Лекин командаларнинг асосий состави ўйинида «Пахтакор» командасининг омади келмади. Учрашувнинг биринчи қисмида кучлар тенглиги аломати сезилган бўлса-да, танаффусдан сўнг меҳмонлар ҳужумни кучайтирдилар. Мезбонлар ҳам бунга жавобан мудофаани мустаҳкамлаб бордилар.

«Пахтакор»нинг ҳужумлари кўп бўлдию, натижаси кўринмади. Устма-уст ҳужумлар вақтида «Уралмаш» ўйинчиси ҳисобни очишга (60-минут) муваффақ бўлди. Шундан кейинги дақиқаларда пахтакорчилар ўйинлар жадвалини бошқариб бораётганликларини кўрсатиб қўймоқчи бўлишди. Варюхин, Абдураимов, Фёдоров рақиблар дарвозасига тўп киритиш имкониятларига эга бўлдилар. Бироқ тўпларнинг ноаниқ йўлланиши мақсадга эришгирмади.

«Пахтакор» футболчилари, афтидан, турнир жадвалининг энг охирида бораётган ва эндигина 11 очко тўплаган командининг ўзига хос маҳоратини ҳисобга олмаганга ўхшайдилар. Ана шу учрашувда майдон эгалари «Кучсиз деманг бизни — кўтариб урамиз сизни» демоқчидай астойдил ҳаракат қилдилар: ҳисобни оширишга уриндилар, ҳимояни тошқўрғонга айлантирдилар. Натижада пахтакорчилар 0:1 ҳисобида мағлуб бўлдилар. Бу — сафардан 2 очкони бой бериб қайтган командамизнинг чемпионат бошланганидан буёнги учинчи бор кураги ерга тегиши.

Биринчи лига командалари ўртасидаги бошқа ўйинлар натижаси қуйидагича бўлди: «Автомобилист» — «Шахтёр» (Д) — 1:0, Звезда» — «Строитель» — 2:0, Шахтёр» (К) — «Помир» — 4:2, «Крылья Советов» — «Олга» — 1:1, «Текстильщик» — «Черноморец» — 3:2, «Шинник» — «Нистру» — 1:1, «Металлист» — «Кривбасс» — 3:0, «Динамо» — «Металлург» — 2:1.

15 августда «Пахтакор» ўз майдонида Ленинград динамочиларини қабул қилади.

ЎЙИН КЕЧИКТИРИЛДИ

Исландиянинг Рейкьявик шаҳрида жаҳоннинг кўзга кўринган гроссмейстерлари Борис Спасский билан Роберт Фишер ўртасида ўйналаётган ўн иккинчи партия 41-юришда кечиктирилди. Шахмат тожи учун курашнинг қизиқ учрашувларидан бири бўлган ана шу кечиктирилган партияда экспертларнинг фикрича, кучлар тенг ҳолатда эди. Кечиктирилган партия кеча ўйналади.

ЗОНАЛ МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ

Самарқанд шаҳрида енгил атлетика бўйича СССР кубоги учун зонал мусобақалар тугади. Кўҳна ва ҳамиша навқирон бу шаҳардаги учрашувларга республикамизнинг 8 шаҳридан 200 дан ортиқ спортчи қатнашди.

Хотин-қизлар командалари ўртасида самарқандликлар биринчи ўринни, тошкентликлар иккинчи ўринни, фарғоналиклар учинчи ўринни эгалладилар. Тошкентнинг эркаклар командаси 142 очко тўплаб, пешқадам саналди. Кейинги ўринлар Бухоро ва Наманган нигитларига насиб қилди.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

СОВЕТ—ҲИНДИСТОН ДЎСТЛИГИ ОЙЛИГИ

9 августда мамлакатимизда Совет — Ҳиндистон дўстлиги ойлиги бошланди. Ойлик Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида тузилган тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартноманинг бир йиллигига, шунингдек Ҳиндистон мустақиллиги эълон этилганлигининг 25 йиллигига бағишланади.

Совет дўстлик жамиятлари союзида ТАСС мухбирига маълум қилишларига кўра, ойлик кунлари Совет — Ҳиндистон маданий алоқаларини жамиятининг бўлимлари ишлаб турган тўққизта иттифоқдош республикада Озарбайжон, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Литва, Латвия, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда меҳнаткашларнинг мана шу саналарга бағишланган митинглари ва йиғилишлари ташкил этилади. Жамиятнинг коллектив аъзолари бўлмиш (уларнинг сони ҳозир 200 тага етди) саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарида, маданият муассасаларида ҳам йиғилиш ва кечалар бўлиб ўтади.

Москваликлар ойликда актив қатнашадилар. Шарқ халқлари санъати музейида «Ҳиндистон санъати» виставкаси тайёрланмоқда. В. И. Ленин номли СССР давлат кутубхонаси Ҳиндистон шоир ва прозачиларининг китоблари, шунингдек совет авторларининг дўст мамлакат тўғрисида яратган асарларининг экспозициясини ташкил этади. СССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти Ҳиндистоннинг 25 йиллик юбилейига илмий кенгаш мажлисини бағишлайди. Кинотеатрларнинг экранларида ҳинд кинорежиссёрлари яратган бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилади. (ТАСС).

◆ ЖАҲОННИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

◆ ДЎСТЛАРИМИЗ САНЪАТИНИНГ КУРИГИ

◆ УЛКАН ИНШООТ

◆ ПОЛЬША ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

◆ ПЛОЦК — САНОАТ ШАҲРИ

Польшанинг қадимий Торунь шаҳри буюк астроном Николай Коперник туғилган куннинг 500 йиллик байрамига тайёргарлик кўрмоқда. Улуғ поляк олими 1473 йилнинг 19 февралида ана шу шаҳарда туғилган эди. Суратда: Торунь шаҳрида Николай Коперникка ўрнатилган ҳайкал.

Интерпресс фотоси.

МУҲИМ ЯКУНЛАР

Социалистик мамлакатларнинг матбуоти ҳамда бошқа мамлакатлардаги қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг газеталари социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарларининг Қримда бўлиб ўтган дўстона учрашуви якунларини ҳамон шарҳламоқда. Улар КПСС Марказий Комитети делегациясининг ушбу учрашувдаги фаолияти тўғрисида «КПСС Марказий Комитетида» деб берилган ахборотнинг муҳимлигини ҳам таъкидламоқдалар.

ВЕНГРИЯ

◆ БУДАПЕШТ. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигида КПСС делегациясининг Қримдаги учрашуви фаолиятини маъқулловчи «КПСС Марказий Комитетида» деган ахборотни Венгрияда чиқадиган газеталар биринчи саҳифаларда «Социалистик мамлакатларнинг қардошларча ҳамкорлиги ҳамон ривожланиб бормоқда». «Социалистик мамлакатларнинг келишиб олинган сиёсати халқаро вазият юмшашига самарали ёрдам бермоқда», «Умумевропа кенгашини амалий тайёрлашга яқин келажакда киришиш мумкин» деган сарлавҳалар остида босиб чиқарди.

ПОЛЬША

◆ ВАРШАВА. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг халқаро майдондаги ҳамма ҳаракатлари учун, деб ёзади «Трибуна люду» газетаси, тинчликдан иборат бирдан-бир асосий мақсад характерлидир. Уларнинг Ленин кўрсатиб берган ва ҳозирда изчиллик билан амалга оширилаётган бош йўли ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципидир. АҚШ президенти Р. Никсон СССРга борганида Л. И. Брежнев билан у имзолаган Совет — Америка ҳужжатлари мана шу принципни амалга ошириш йўлида муҳим қадам бўлди.

РУМИНИЯ

◆ БУХАРЕСТ. РКП Марказий Комитетининг органи «Скинтейя» газетаси социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарларининг Қримдаги дўстона учрашувини шарҳлаб, Л. И. Брежнев билан Н. Чаушеску учрашуви муҳим аҳамиятга молик эканлигини таъкидлади. Ана шу учрашувда икки мамлакат ўртасида кўп томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда РКП билан КПСС ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш масаласига доир фикрлашув бўлди.

ФРАНЦИЯ

◆ ПАРИЖ. «Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, — деб ёзади «Юманите», — мустақиллик ва социал тараққиёт учун курашаётган халқларни қўллаб-қувватлаётганликларини яна бир бор таъкидладилар». Улар Исроил қўшинлари босиб олинган барча араб территорияларидан батамом олиб чиқиб кетилишини талаб қилувчи тузатишни қўллаб-қувватлашга даъват қилдилар.

◆ ВАШИНГТОН. Қурол-яроғни бемалол харид қилиш мумкинлиги Қўшма Штатларда жиноятчилик доимо ўсиб бораётганлигининг сабабларидан биридир. Матбуотнинг маълумотларига кўра, ҳозир хусусий кишиларда 25 миллион дона турли ўт очиш қуроллари бор. Сенаторлар Э. Кеннеди билан Ф. Харт қурол-яроғ сотиш устидан назорат ўрнатишни таклиф қилдилар.

◆ РИМ. Италия ички ишлар министрлиги маълум қилдики, Италияда 28 июлдан 6 августгача 10106 марта автомобиль ҳалокати юз бериб, бунинг натижасида 320 киши нобуд бўлди ва 5117 киши жароҳатланди ва майиб бўлиб қолди. (ТАСС).

ТИССАДА ТЎҒОН

БЕЛГРАД, 8 август. (ТАСС). Нови-Бечей (Воеводина) шаҳри районида Тисса дарёсида тўғон жадал қурилмоқда. Югославиянинг «Энергоинвест» корхонаси шу тўғон лойиҳасини ишлаб чиқди. Бу ерда тўғон қурилиб битгач сув омбори ҳосил бўлади ва у қурилаётган Дунай—Тисса—Дунай канали бош тармоғини сув билан таъминлайди, 300 минг гектар майдонни суғоришга имконият яратади.

Тўғон қурилиши туфайли биз йилнинг қурғоқ даврларида шу районни суғориш учун зарур неча ўн миллион куб метр қўшимча сувга эга бўламиз, деди лойиҳа раҳбари Л. Вайда.

Ҳозир тўғон тагига 15 минг куб метр темир-бетон ётқизиб қўйилди. Тўғоннинг ёнида шлюз қурилади. У йилига икки миллион тонна юк тўказа олади. Ушбу гидротехника комплекси 1975 йилда қуриб битказилади.



ЖАЗОИР. Совет Иттифоқининг ёрдами билан Жазоирда қатор саноат корхоналари барпо этилди. Суратда: совет мутахассиси Вячеслав Маслов (ўнгдан иккинчи) жазоирлик инженерларни «Ал Хажар» цехига ўрнатилган совет ускуналари билан таништирмоқда.

С. КРУГЛОВ фотоси. (ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ВАШИНГТОН. АҚШ конгресси вакиллар палатасининг демократик партиядан сайланган 90 аъзоси вакиллар палатаси раиси К. Альбертга мактуб йўллаб, чет давлатларга ёрдам бериш тўғрисидаги қонун лойиҳасининг Ҳинди-Хитойдан барча Америка қуролли кучлари шу йил 1 октябргача олиб чиқиб кетилишини талаб қилувчи тузатишни қўллаб-қувватлашга даъват қилдилар.

◆ ВАШИНГТОН. Қурол-яроғни бемалол харид қилиш мумкинлиги Қўшма Штатларда жиноятчилик доимо ўсиб бораётганлигининг сабабларидан биридир. Матбуотнинг маълумотларига кўра, ҳозир хусусий кишиларда 25 миллион дона турли ўт очиш қуроллари бор. Сенаторлар Э. Кеннеди билан Ф. Харт қурол-яроғ сотиш устидан назорат ўрнатишни таклиф қилдилар.

◆ РИМ. Италия ички ишлар министрлиги маълум қилдики, Италияда 28 июлдан 6 августгача 10106 марта автомобиль ҳалокати юз бериб, бунинг натижасида 320 киши нобуд бўлди ва 5117 киши жароҳатланди ва майиб бўлиб қолди. (ТАСС).

СУРИЯДА КАСАБА СОЮЗ САЙЛОВИ

Сурияда мамлакат раҳбар касаба союз органларига сайлов бошланди. Сайловда 300 минг чамаси ишчи қатнашмоқда. 20 сентябргача давом қиладиган ушбу кампания чоғида корхоналардаги касаба союз комитетларига, соҳа ва губерния касаба союз ижроия комитетларига, Сурия ишчилар касаба союзи бирлашган федерациясига ишчилар синфининг вакиллари сайланади.

Сайлов муносабати билан Сурия ишчилар касаба союзлари бирлашган федерацияси баёнотида Сурия Араб Республикаси экономикасининг турли соҳаларида касаба союзларнинг фаолияти катта аҳамиятга эга бўлаётганлиги таъкидланади. Ҳозирги вақтда, дейилади баёнотда, ишчилар синфи мамлакат социал-иқтисодий ҳаётида, САРда социализм қурилишинг моддий базасини яратишда жуда актив қатнашмоқда. (ТАСС).

САЁҲАТ МАВСУМИ АВЖИДА

ВАРШАВА, 8 август. (ТАСС). Халқ Польшасида саёҳат мавсуми айни қизғин паллада. Польшанинг неча юз минг меҳнаткашлари ўз отпускаларини Болтиқ соҳиллари ва Татрадаги санаторийлар ва дам олиш уйларида ўтказмоқдалар, сафар халта осиб олиб жонажон мамлакат бўйлаб саёҳат қилмоқдалар. Ўқувчилар ва студент ёшлар ПХРнинг энг хушманзара ёрларида жойлашган кўпдан-кўп ёзлик лагерларда ҳордиқ чиқармоқдалар.

Ҳар куни Польшага жаҳоннинг турли-турли мамлакатларидан неча юзлаб ажнабий сайёҳлар ҳам келиб турибди. Польша маданияти ва архитектурасининг дурдонаси — Краков, гўзал Варшава, Мазур кўллари, Кошалина воеводлигининг ўрмонлари сайёҳларни бу ерга жалб қилмоқда. Қардош социалистик мамлакатлар, ГДР, Чехословакия, Венгрия, Болгария, Руминия, Совет Иттифоқидан ПХРга кўп сайёҳлар келмоқда.

СССРнинг ўзидангина шу йилнинг биринчи ярмида бу турнинг шу вақтидагига нисбатан 19 процент кўп сайёҳ келди. Бу йил социалистик мамлакатлардан Польшага келган сайёҳлар сони жиҳатидан рекордли йил бўлиши кутилмоқда.

ЮМОР

Пихини ёрган ўғриларидан бири қўлга тушди. Полициянинг ҳонадонида ундан:

— Нима учун сиз ҳа деб ўз уйингиз атрофидаги ҳонадонларга ўғрилинка тушасиз, деб сўрашди.

— Бизнинг давримизда, — деди ўғри, — уйни қаровсиз қолдириш жуда ҳавфли. Шунинг учун ҳам узоққа бормай яқин атрофдаги уйларни ўмаришга тўғри келади.

◆

Техас штатидан Парижга келган турист Эйфель минорасини кўздан кечира туриб, ҳайратомуз деди:

— Мен бу ерда сакизинчи марта бўлишим. Шу пайтгача ҳеч нарса ўзгармабди. Афтидан ҳали ҳам нефть топишолмаганга ўхшайди.

◆

Стокгольмдаги Скансен ҳайвонот боғига ғалати мазмунда хат келди. «Қирол кобрасини қандай қилиб аниқ билса бўлади?», деб сўрабди хат автори. Унга илонлар бўйича мутахассис қуйидагича жавоб қайтарди. «Агар сиз илон чаққанидан кейин ярим соат ичида ўлмасангиз, демак сизни қирол кобраси эмас, бошқа илон чақкан экан, — деб биласиз».

◆

Жанубий Америка мамлакатларидан бирида уч кишини бир хонага қамаб қўйишди. Маҳбуслар вақтни бой бермай бир-бири билан таниша бошлашди.

— Сени нима учун қамашди? — деб сўрашди биринчидан.

— Президентга қарши бўлганим учун.

— Сени-чи?

— Мен президент тарафдори бўлганим учун бу ерга тушдим.

— Сен бу ерда нима қилиб юрибсан? — сўрашди учинчидан.

— Президент бўлганим учун.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

10.55 — ТОШКЕНТ, 11.00 — Болалар учун кўрсатув, 11.20 — **«Эски тошбақа» капитани** (бадиий фильм), 12.35 — МОСКВА, 17.55 — ТОШКЕНТ, 18.00 — Ўқувчилар учун кўрсатув, 18.30 — Ахборот, 18.50 — Рубоб тароналари, 19.30 — Илмий-техника тараққиёти, 20.00 — Телеочерк, 20.30 — Дўстлик экрани, 22.00 — «Вақт», 22.30 — Ҳосил тўплашнинг муҳим даври, 23.00 — **Империянинг емирилиши** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.05 — МОСКВА, 18.10 — Янгиликлар, 18.15 — Болалар учун кўрсатув, 18.45 — Орша «Қизил курашчи» заводининг етти куни, 19.00 — Бадиий ҳаваскорлар концерти, 19.35 — Ҳужжатли фильмлар, 20.30—Концерт, 20.55— Телефильм, 22.00 — Жанговар атеизм (Тошкент), 22.30 — Эфирда — «Молодость», 23.35 — Шеърият байрами.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ, Фильм-концерт, 20.40 — **Очилган қўриқ** (бадиий фильмнинг 2- серияси).

РАДИО БУГУН

6.15 — Тонгги концерт, 7.40 — Ҳаваскор ашулачи **Ҳ. Холбобоева** куйлайди, 8.25 — Республика композиторларининг лирик қўшиқлари, 9.30 — **«Ер ва эл»** радиожурнали, 10.25 — Ўзбек балетларидан парчалар, 11.15 — «Ягона ва ҳур оилада». Латвия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **В. П. Рубен** сўзи, 11.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари, 12.15 — Латвия радиосининг эшиттириши. 12.25 — Қурувчилар учун концерт, 13.00 — «Латвия чорвадорлари ҳузурида». 13.30 — Латвия композиторларининг эстрада куйлари, 16.10 — «Ўзбекистон дўстлик қаманзорида», 16.50 — «ПРАВДА» газетасининг обзори, 17.00 — Латвия артистлари ижросида СССР халқларининг куйлари, 18.10 — Латвия халқ хори куйлайди, 19.20 — Татар куйлари, 20.00 — «Ёшлик» радиостанциясининг программаси, 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат, 21.10 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт, 22.15 — Вальслар, 22.40 — Жаҳон прогрессив адабиёти. **Жорж Амаду.** «Мўъжизалар дўкончаси» романидан боб, 23.10 — Куйлар тинглаб дам оламиз.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/VIII да **Фарғона тонг отгунча**, 11/VIII да **Мениング жаннатим.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Сўнгги қалъа — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (кеч соат 9 яримда).

Қароқчи-қариялар — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Дунё (2 серия, ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Туман тарқалгач... — «ДРУЖБА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Кулгили қиз (кундуз соат 12 ва 3 да), **Ҳориган отларни ўлдиришади, шундай эмасми?** (кеч соат 6 ва 8.45 минутда) — «ЧАЙКА».

Ҳамроз (2 серия) — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Мениング исмим — масхарабоз (3 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 11.30, 4 ва кеч 8.15 минутда).

ЕЗГИ БИНОДА

Қароқчи-қариялар — «ФЕСТИВАЛЬ».

А. Н. ОСТРОВСКИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТЕАТР-РАССОМЧИЛИК ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: тарих ва санъат тарихи, монументаль нақш ва амалий санъат (доцентлар ва катта ўқитувчилар);

кафедра доцентлари: актёр маҳорати ва режиссура, театршунослик;

кафедра катта ўқитувчилари: рус тили ва адабиёти, монументаль нақш ва амалий санъат (монументаль нақш), театршунослик (маданий-оқартув ишлари бўйича мутахассис), вокал, саҳна нутқи, тарих ва санъат тарихи, театрларни декоратив безаш (театр расмлари).

кафедра ўқитувчилари: актёр маҳорати ва режиссура, графика (полиграфия асослари), монументаль нақш ва амалий санъат (керамика бўйича; монументаль нақш), музика фанлари (умумий фортепьяно), вокал, саҳна нутқи, тарих ва санъат тарихи, театрларни декоратив безаш (театр расмлари), жисмоний тарбия.

Конкурс муддати — 4 сентябргача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Г. Лопатин кўчаси, 77-уй. Телефон 33-44-36.

ШАҲАР ЖАМОЛИ

Плоцк бу ерга ташриф буюрганларни «Сизга ўн аср боқмоқда» деган шиор билан кутиб олади. Лекин Польша археологларининг топилмалари ва ёки шаҳарнинг қадимги шуҳрати билан эмас, Плоцкнинг бугунги куни билан кутиб олади.

Бу ерга ўн йиллар аввал «Дружба» қувури орқали келтирилган совет нефти бир неча юз гектар ерни эгаллаган Плоцк нефть-химия комбинатигагина эмас, балки маҳаллий шаҳарчаларга ҳам жон киритди. Плоцк ўз тарихида иккинчи марта пойтахт бўлиб қолди — бу сафар халқ Польшасининг катта химияси пойтахтига айланди.

Польшада кўп йиллар ишлашим мобайнида Плоцк гигантида бир неча бор бўлганман. Унинг қанчалар ўсганлигини кўрганман. Лекин шундай бўлсада, шаҳарни биринчи бор кўраётганимдай туюлди. Бундан бир неча ой илгари бўлмаган автострадага тушдим, бензин ва суюқ газ олиш учун ўрнатилган кўпқаватли пўлат қурилма ёнидан ўтдим, булар ҳам йўқ эди.

Комбинат ҳозирги кунда 80 дан ортиқ завод ва бошқа объектлардан иборат. У ҳар куни 60 миллион злотихлик маҳсулот беради ва республика халқ хўжалигининг барча соҳасини маҳсулот билан таъминлайди.

— Бизлар айни пайтда маҳсулот ишлаб чиқармоғимиз, қурмоғимиз ва ўқимоғимиз керак, — дейди корхонанинг бош инженери Веслав Колсут. — Тўққиз минглик коллективдан икки минг киши техник ва инженерлар дипломига эга. Аммо Плоцк қўйлар учун биринчи иш, биринчи амалий тажриба, биринчи раҳбарлик постидир.

Бош инженер 41 ёшда. Саноат корхонасида ишлаётганига ўн саккиз йил бўлибди. Колсут Варшава ва Краков яқинларида саноат корхоналари қурган. Бир объектни битириб, иккинчисини қуришга ўтган... Бугунги кунда Колсут Европада энг йирик ҳисобланган комбинатга раҳбарлик қилаётир. Инженер ўзи ҳақида, мана қариб қолдим, дейди. Мен унинг гапига тушундим, бирга ишлаётган техниклар ва инженерларнинг ёши 30 дан ошмайди.

— Плоцк мамлакатимизнинг нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондираётир, — дейди Колсут. Кейинги саккиз йил ичида комбинат совет нефтидан 30 миллион тоннасини қайта ишлади. «Дружба» нефть қувури туфайли комбинат ўз қувватини кун сайин ошираётир ва Польша химиясини катта йўлга олиб чиқмоқда.

Плоцк нефть-химия корхонаси ПХР билан СССР ўртасидаги ҳар томонлама ривожланиб бораётган ҳамкорлик намунасидир. Бугунги кунда мамлакатимиз меҳнаткашлари 100 га яқин йирик завод ва фабрикаларни Совет-Польша дўстлигининг машъали дейишмоқда. Булар Совет Иттифоқининг техника ёрдами билан қурилган корхоналардир. Республикaнинг турли томонларида «СССРда ишланган» маркаси босилган машина ва дастгоҳлар билан жиҳозланган 200 саноат корхонаси ишлаб турибди. Совет ускуналари ва техника ҳужжатлари билан таъминланиши туфайли Янги Гутадаги В. И. Ленин номли металлургия комбинати, Фаста ва Замбрувдаги тўқимачилик комбинатлари, Варшавадаги автозавод ва металлургия заводи, «Явожно» электр станцияси ва бошқа корхоналар кун сайин ривожланиб бормоқда.

Халқ ҳокимияти йилларида янги Польша ерларида қад ростлаган гигант саноат корхоналарининг ҳаммасини санаб ўтиш қийин. Улар 500 дан ортиқдир. Бугунги кунда улар халқ хўжалигига 145 миллион тонна тош кўмир, 65 миллиард киловатт-соат электр энергия, 13 миллион тонна пўлат, миллион тонна тоза олтин ғугурт етказиб бераётир. Ўнларча денгиз кемалари ва балиқни қайта ишловчи базаларни сувга туширимоқда, юз минглаб тонна азот ва фосфор ўғитлари, замонавий электр машиналари ҳамда автомобиллар ишлаб чиқармоқда.

Мамлакат Совет Армияси ва Польша жангчилари томонидан озод қилинганига мана 28 йил бўлибди. Илгари у хароба бўлиб кетган эди. Ўша вақтда унинг бу харобаларни тиклаб олишига кўзи етмасди, лекин қўлни-қўлга бериб ишлаган Польша халқи қисқа муддат ичида қийинчиликларни енгиб, катта ишларни амалга ошириди, мамлакатни тиклади, оёққа туриб олди.

В. КУЗНЕЦОВ. (АПН).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ — Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: 700.000 ГСП, ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КУЧАСИ № 26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши —333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари —334451. Маҳаллий ахборот ва спорт— 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация— 334524. Стенографистка—337343. Корректура — 337162. Эълонлар — 338142. Коммутатор —330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85. Бухоро —3—31—42. Қарши — 38—42. Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз — 55—35. Урганч — 34—55. Фарғона — 4—29—44.

Б. — 186. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 01707.